Ушбу сонда:
2 «МЕҲР-ШАФҚАТ» ХИЗМАТИ
3 ҚОРАҚАЛПОҚ БОЙЛИГИ — ундан фойдаланиш қандай?
4 Барҳаёт удумлар — НИКОҲ ТЎЙИ ҚЎШИҚЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 феврал, чоршанба № 33 (1047)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Наврўз иншоотлари

ТЕМИР ЙЎЛДА НИМА ГАП?

Одатда, темир йўлни иқтисодиётнинг қон томирига ўхшатишади. Агар бугун мамлакатимиз ичида юк ташишнинг 66 фоизи, экспорт ва импорт учун юк ташиш ҳажмининг эса қарийб 80 фоизи темир йўл орқали амалга оширилаётганини инобатга олсак, бу ўхшатиш ҳақли эканига амин бўламиз.

Аммо мустабид тузумдан қолган «томир хасталиги»нинг асоратлари ҳамон иқтисодиётимиз ривожига халақит бераётгани сир эмас. Шу йилнинг 25 январида Оқсаройда темир йўл транспортини монополиядан чиқариш масалаларига бағишлаб ўтказилган мажлисда ҳам Президентимиз Ислом Каримов бу соҳа жиддий ислоҳотга



муҳтож эканлигини алоҳида таъкидлади. Аслида, темир йўл тизимига мустақилликнинг илк кунлариданоқ эътибор қаратилган, амалий ҳаракатлар бошланган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Япония ҳукумати ажратган имтиёзли кредитдан фойдаланиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ, 1996 йили Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Японияннинг ҳукумат жамғармаси (ОЕСФ) ўртасида «Йўловчи ташувчи темир йўл транспортини модернизациялаш» лойиҳасини амалга ошириш учун кредит битими имзоланган эди. Шундан кейин 6 миллиард 102 миллион йенлик имтиёзли кредит олинди. 20 йил муддатга берилган кредит шартномасида ушбу маблағни консалтинг хизматини йўлга қўйиш, 25 та йўловчи вагон сотиб олиш, вагон таъмирлаш заводи қуриш учун сарфлаш кўзда тутилганди.

1998 йили ушбу лойиҳани амалга ошириш юзасидан халқаро тендер эълон қилинди. Тендер савдосида Японияннинг «Марубени» корпорацияси ютиб чиқди. Шундан сўнг Тошкентда вагон таъмирлаш заводи қурилиши жадал бошлаб юборилди. Унинг ишга туширилиши шу йилнинг Наврўз байрамига тўғри келмоқда. Япониялик мута-

хассислар эса аллақачон Германия, Англия, Голландия, Финландия ва Полшадан келтирилган 200 дан зиёд замонавий технологик ускунани ўрнатиб бўлди. Дастлабки синов-тажриба юмушлари ҳам адо этилди.

- Завод тўла қувват билан иш бошлагач, йилига 450 тагача вагонни қайта таъмирлаш имконига эга бўламиз, - дейди Тошкент вагонларни таъмирлаш заводи директори Ф.Дадахўжаев. - Бундан ўн йил илгари ихтиёримизда 1700 та йўловчи вагони бор эди. Аммо уларнинг аксариятининг вагон, дегулик йўриғи қолмаганди. Ҳар бир вагон 28 йил хизмат қилиши керак. Бу орада у бир неча марта таъмирланади. Аммо бунақа заводлар Россия ва Украинада жойлашган эмасми, битта вагонни шунчаки таъмир-

дан чиқариш 20 минг АҚШ долларигача тушарди. Қолаверса, биз ҳам вақтдан, ҳам маблағдан ютқазардик. Шу боис Тошкент тепловозларни таъмирлаш заводи базасида вагонларни ўзимиз ремонт қилишга уриниб кўрдик. Бироқ бу кутилган натижани бермади. Сабаби зарур техника ва шароит йўқ эди. Энди эса корхонамиз бутунлай янгиланди. Замонавий технология жонимизга аро кирмоқда.

Эскирган вагонлар унда қайта таъмирлангач, яна 15 йил хизмат қилиши мумкин. Завод эса сарфланган харажатларни саккиз йил ичида тўла қоплайди. Бугун заводда 600 киши меҳнат қилмоқда. У тўла қувват билан ишга тушгач, жами 1280 киши иш билан таъминланади.

Айни кунда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси 1100 йўловчи вагонига эга. Фойдаланилаётган 500 вагон йўловчи ташиш эҳтиёжини тўла таъминлайди. Заводда вагонлар фақат таъмирланиб қолмасдан, қайтадан реконструкция ҳам қилинади.

Сир эмас, бугун йўловчи ташувчи вагонлардаги шароит ҳам, поездлар тезлиги ҳам замондан анча орқада қолган. Лекин сервис хизматини яхшилаш борасида бирмунча ишлар амалга оширилаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳозир, масалан, Тошкент-Бухоро поездидаги шароит бир оз яхшиланди. Лекин шу қисқа масофани поезднинг 12 соатда босиб ўтиши кўпчиликни ҳамон ажаблантиради.

Мамлакатимиздаги аксарият темир йўллар электрлаштирилган. Бу эса тепловозлар ўрнига тезюрар электровозлардан фойдаланиш имконини беради. Шу боис «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси замонавий электровозлар сотиб олиш мақсадида Европа тараққиёт ва тикланиш банки билан музокаралар олиб бормоқда. Вагон ишлаб чиқариш заводи қуриш режаси ҳам кўриб чиқилган. Яқин йиллар ичида хорижлик компаниялар билан ҳамкорликда бу ишга ҳам қўл уриш мўлжалда бор.

Воҳид ЛУҚМОНОВ (ЎзА) мухбири,
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Касаба уюшмаси ва ёшлар

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан бўлган учрашувда мухтарам Президентимиз тарбия хусусида тўхталиб, «Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Чунки, ҳаётда энди-энди қадам қўяётган ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига, мураббий, устозга муҳтож бўлади» деб огоҳлантирганлиги бежиз эмас.

МУРАББИЙ МАСЪУЛИЯТИ

Биз 5 мингдан зиёд талаба таҳсил олаётган Қарши Давлат дорилфунунида бўлганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Азалий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимиз руҳида тарбияланаётган, миллий истиқлол ғояси тамойилларига садоқат кўрсатаётган ёшлар билан мулоқотда бўлиб, кўнглимиз равшан тортди.

Ташрифимиз қизиқ бошланди. Суҳбатлашмоқчи бўлганимиз маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор Абдусалом Ўроқов, талабалар касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шариф Бобожоновларни дастлаб иш жойидан тополмадик. Билсак, улар бир вақтлар олий даргоҳда ишлаган нафақахўрлар Низом Рўзиев ва Рашида Аҳмедоваларнинг ҳолидан хабар олгани кетишган экан.

Унгача баъзи маълумотларни айтиб беришди. Маълум бўлишича, дорилфунунда 10та факультет бўлиб, 23та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланар экан. Бундан ташқари академик-лицей, лицей-интернат, бизнес мактаби, 2та тил ўрганиш ва компьютер марказлари ишлаб турибди. Олийгоҳнинг кундузги бўлимларида таълим олаётган 3270 нафар талабага 400дан ортиқ профессор ўқитувчилар, фан номзодлари таълим-тарбия бермоқда. Турли йўналишларда 41та кафедра иш олиб бормоқда.

Дарвоқе, Абдусалом Ўроқов 12 йилдирки, олийгоҳ касаба уюшмаси қўмитасининг раиси ҳам. Шу боис, у ёшлар тарбиясини ижтимоий муҳофаза билан уйғунлаштириб олиб боришни ўз бурчи деб билади.

— Таълим ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш юзасидан университет маъмурияти билан 65 банддан иборат жамоа шартномаси тузганмиз, — деди учрашганимиз ҳамон талабалар касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ш.Бобожонов. — Унинг ҳар бир банди назоратимизда. Ўтган йили 9 миллион 892 минг сўмлик 18 минг 354та янги адабиётлар сотиб олинган эди. Бугун илм маскани кутубхонаси 300 мингта китоб фондига эга ва у ҳамиша ёшлар билан гавжум

Ҳозирги пайтда дорилфунунда 600 ўринли 3 та талабалар уйи, 975 ўринли умумий овқатланиш шоҳобчалари, 50 ўринли санаторий-профилакторий, 100 киши дам оладиган «Роҳат» оромгоҳи, тиббий ёрдам кўрсатиш маскани, почта ва бошқа маданий-маиший тармоқлар ишлаб турибди.

Муаллим ва талабаларни соғломлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 3 мингга яқин талаба бепул тиббий кўрикдан ўтказилди ва бу мақсад учун 100 минг сўмлик маблағ сарфланди. 187 минг сўмлик дори-дармонлар сотиб олинди.

— Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган кишиларга ва ногиронлардан 522 кишига 1 миллион 249 минг сўмлик моддий ёрдам берилди, — дейди университет ректори, фалсафа фанлари доктори, Олий Мажлис депутати Назар Ҳакимов. — Санаторий-профилакторийда талабаларни соғломлаштириш учун 975 минг сўм, «Роҳат» оромгоҳига 2 миллион 760 минг сўм, оммавий спорт тадбирлари учун 700 минг сўм бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сарфланди.

Оналар ва болалар йилида аниқ дастурлар ишлаб чиқилган. 33 нафар талаба «Наврўз» ошхонасида бепул овқатлантирилмоқда. Ғулом Маҳматмуродов раҳбарлик қилаётган 50 ўринли соғломлаштириш марказида 18 хил физиотерапик муолажа қилиш имконини берувчи замонавий тиббиёт анжомлари бор. Насиба Иброҳимова, Дилбар Суюнова, Бурхон Примов каби шифокорлар ёшлар соғлигини муҳофаза қилиш йўлида бутун билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.

Талаба ва ўқувчиларга ҳар йили 4 миллион сўмликдан зиёд маблағ моддий ёрдам сифатида берилади. Ибодулла Сатторов, Раъно Фармонова, Муҳайё Вафоева сингари ногиронларга бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан 10-15 минг сўмдан ёрдам кўрсатилаяпти.

Университетда маънавий-маърифий ва спорт ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Таниқли кишилар билан учрашувлар ўтказиш анъана тусини олган. Ётоқхоналарда ташкил этилган маънавият ва маърифат хоналаридан унумли фойдаланилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

УЛУҒ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Андижон вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва вилоят тармоқ қўмиталари Мустақилликнинг 10 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарликни бошлаб юбордилар. Кенгаш ишчи гуруҳи улуғ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда шу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланмоқда.

Кенгаш раёсатида белгиланган тадбирлар хилма-хиллиги билан диққатни жалб этади. Касаба уюшмалари тасарруфидаги маданият муассасаларида ҳозирдан бошлаб юборилган «Мустақиликни куйлайман» шиори остидаги концерт, бадиий кеча ва учрашувлар август ойининг охиригача давом этади. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» вилоят кўрик-танлови ҳамда «Она Ватан, сенга санъатим, сенга ижодим» фестивалида ташкилотчилик ишлари асосан касаба уюшмалари зиммасида бўлади.

Вилоятдаги меҳнаткаш аёллар ўртасида тармоқлараро ҳудудий эстафетанинг юқори савияда ўтиши кутилмоқда. Шу йил 4 март кунига режалаштирилган ушбу эстафетага тайёргарлик ишлари қизғин тус олган. Гап шундаки, Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган мазкур тадбирга қўшни Наманган ва Фарғона вилоятлари спортчи вакиллари ҳам таклиф этилган.

М.АБДУКАРИМОВ.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан

ЮБИЛЕЙГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири Термизнинг шу йил кузда халқаро миқёсда нишонланадиган 2500 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик давом этмоқда.

Термизда юбилейга тайёргарлик кўриш комиссиясининг вилоят ҳокими Б.Олимжонов раислигида ўтган йиғилишида таъкидланганидек, шонли санага бағишланган «Альбом», буклетлар, календарь, кўкрак нишони, ўқув қуроллари, турли совғалар, шунингдек, миллий каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, чиннисозлик анъаналарини ўзида мужассам этган уй-рўзғор буюмлари, спорт кийимлари, миллий либослар тайёрлашга киришилмоқда. Сурхон воҳасининг тарихи ва қадимий маданияти, мустақиллик йилларида турли жабҳаларда эришилган ютуқларини акс эттирувчи телерадио эшиттириш ва кўрсатувлари, ҳужжатли фильмлар яратилади.

Йиғилишда юбилей дастурида кўзда тутилган барча тадбирларни ўз вақтида бажариш юзасидан мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига зарур топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).

Ислоҳот инсон учун

Ҳозирги кунда вилоятда 14 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётир. Уларни ҳар тарафлама ҳимоя қилиш мақсадида вилоят палатаси ва унинг шаҳар, туман бўлимлари қошида ташкил этилган Ахборот-маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан 8 миллион 672 минг 900 сўмлик хизмат кўрсатилди.

ХОРИЖ САРМОЯСИ ТАДБИРКОРЛАРГА

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини янада ривожлантириш ниятида кичик технологиялар жалб этилди. Тизимимиздаги ҳуқуқшуносслар томонидан ўтган йил давомида 2920та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг мурожаатларига кўра маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида палата аъзолари бўлган 537 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ўтказилган текширишларда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга эришилди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамкорлигида қабул қилинган махсус қарор бажарилиши назорат қилиб борилмоқда. Ўтган йил давомида тижорат банклар ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 5 миллиард 407 миллион 428 минг сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўқитиш марказлари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кадрлар тайёрлаш бўйича ташкил қилинган қисқа курсларда 2202 киши ўқитилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига чет эл сармояларини жалб қилиш юзасидан умумий миқдори 3777,9 минг АҚШ долларига тенг 9 та лойиҳа тўла молиялаштирилди. Чунончи, Тўрақўрғон туманидаги «Шамс ЛТД» хусусий фирмаси, Наманган шаҳридаги «Наманган-Консерва», Чортоқ туманидаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамиятлари, «Нам-Точ» қўшма, Чуст туманидаги «Мармар-Ф» хусусий, Чортоқ туманидаги «Чортоқ-Файз» сутни қайта ишлаш корхоналари кабилар шулар жумласидандир. Лекин, чет эл сармояларини жалб қилиш масаласига ҳамма жойда ҳам бир хил муносабатда бўлинмаяпти. Чунончи, Мингбулоқ, Норин, Поп, Уйчи ва Давлатобод туманларидан ҳозиргача биронта ҳам инвестицион лойиҳа-таклиф тақдим этилмади. Умуман олганда, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида қўйилган вазифалар бўйича бажарилган ишларни танқидий баҳолаб, бундан кейин самарали фаолият кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Обидхон МАХСУМОВ, Наманган вилояти Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси.

КУРСАНТЛАР БОҒИ

Фарғона шаҳар солиқ коллежи ўтган йили сентябр ойида дастлабки курсантларни қабул қилган эди. Ҳозир 70 нафар ўғил-қиз бу ерда солиқ илмини қунт билан ўрганаяпти. Баҳор нафаси уфура бошлагач, коллеж ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетди. Қисқа вақт мобайнида коллеж теварак-атрофига 3000 туп терак, 400 туп арча ўтказилди. Сув йўллари очилди. Сўнг ҳовли сахни бўлакларга бўлиниб, мевали боғлар ташкил этишга киришилди. Ҳозиргача бу боғларга 5000 туп ўрик, шафтоли, хурмо, гилос каби мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Инсон қўли гул, деганлари шу-да. Илгарилари қаровсиз ётган тошлоқ ерлар ўрнида бугунги кунда ёшлар қўли билан ям-яшил боғлар яратилаяпти. Ҳадемай бу боғлар меваси дан ўғил-қизларимизнинг ўзлари баҳраманд бўлишади.

Жасур НОСИРОВ.

Касаба уюшмалари ва Қизил Ярим Ой жамияти ҳамкорлиги

«МЕҲР-ШАФҚАТ» ХИЗМАТИ

Республика Қизил Ярим Ой жамияти Жиззах вилоят Кенгаши фуқароларни табиий ва экологик офатлар, техникавий талофат ва эпидемиялар каби ҳолатларда ҳимоя қилиш, хайрия ва меҳр-шафқат ёрдамини кўрсатиш, умуман, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашадиган Давлат дастурларида қатнашишни ўз олдига мақсад қилган ҳолда фаолият кўрсатаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизнинг юқоридаги ташкилотлар ҳаракатида фаол қатнашиши Президентимиз томонидан 1992 йил май ойида имзоланган «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармонидан кейин бошланди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистонда аввалдан мавжуд бўлган бу жамоат ташкилотига мустақил миллий жамият мақомини бағишлаб, унинг ҳаётида катта ўзгаришлар даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги 1992 йил 5 октябрдаги қарорида ҳар йили мамлакатимиз ҳудудида ушбу жамиятга хайрия тўплаш ўн кунлиги ўтказилиши кафолатланган. Оммавий-ташкилий тадбир давомида Халқаро ташкилотлар ҳаракати, унинг тамойиллари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилиш билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам қилинади. Иккинчидан эса, ҳомий ташкилотлар жамиятга ўз саховатларини кўрсатадилар.

Жумладан, ўтган йили ўтказилган хайрия ойлигида вилоят Кенгаши ҳисобига қарийб 1 миллион 150 минг сўм келиб тушди. Ушбу маблағ Низомда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланди. Жумладан, жамиятнинг «Меҳр-шафқат» хизмати тасарруфига олинган ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, бахтсиз ҳодисалардан азият чеккан фуқароларга ёрдам қилинди.

«Наврўз», «Хотира ва Қадрлаш куни», «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»да байрам дастурхонлари ташкил этилди, хайрия маблағи ҳисобидан «Меҳр-шафқат» хизмати ҳамшираларига баҳоли қудрат моддий мадад берилди. «Соғлом авлод йили» муносабати билан ўқувчи-ёшлар ўртасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» кўриктанлови ўтказилди.

— Ўтган йилги хайрия ойлигида, — дейди вилоят Кенгашининг раиси Мамлакат Эшқувватова, —вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, вилоят давлат автомобил назорати бошқармаси, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия тизими муассасалари, 2517-автокорхона жамоаси жамиятимизга катта саховат кўрсатиб, хайрия ёрдамини аямадилар. Айниқса, касаба уюшмалари Кенгашининг ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Кенгаш мана тўрт йилдирки, ўз тасарруфидаги бинодан жамиятимиз учун учта хонани ажратиб бериб, тўланадиган барча харажатларни ўз зиммасига олган.

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Зарбдор туманидаги 1,2-махсус интернат мактаблари, Зомин туманидаги болалар «Мурувват уйи», Жиззах шаҳридаги 32-мактаб интернати ҳамда 29- «Меҳрибонлик уйи» ва бошқа кўплаб ёрдамга муҳтож муассасаларга кийимкечаклардан иборат ёрдам уюштирилди.

Ўтган йилнинг IV чорагида Кенгаш қошида «Тиббий-ижтимоий хизмат маркази» очилди. Марказ ходимлари маҳаллаларда, ўқув муассасаларида соғлом турмуш тарзи, фавқулодда вазиятларда жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш борасида турли маърузалар қилиб, амалий машғулотлар ўтказиб келмоқдалар. Бу машғулотлар аҳолини биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларига ўргатса, иккинчидан эса Қизил Ярим Ой жамиятининг фаолиятини аҳоли ўртасида ташвиқот қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Кенгаш ўз фаолиятини Республика Қизил Ярим Ой Миллий кенгаши ҳамда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси билан ҳамкорликда олиб бораётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Қизил Хоч қўмитаси томонидан ўрта умумтаълим мактабларининг ижтимоий фан ўқитувчилари, XI синф ўқувчилари, ўрта махсус ўқув юртларининг талабаларига 12 мингдан ортиқроқ нусхада «Инсон ва жамият» ўқув қўлланмаси беғараз тортиқ этилди.

Дания Қизил Хоч қўмитаси ҳам 9600 килограмм ун, гуруч, макарон ва мой маҳсулотларини тортиқ қилди. Ушбу маҳсулотлар вилоятда истиқомат қилувчи 400 нафар кам таъминланган, кўп болали оналарга тарқатилди. Шунингдек, Швеция, Финляндия Қизил Хоч жамиятлари томонидан ҳам тегишли кўмак олинмоқда.

XXI асрнинг дастлабки ойида вилоят ҳокимининг «Вилоятда Қизил Ярим Ой жамиятига хайрия тўплаш ойлиги»ни ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Унда жумладан, барча ташкилот, корхона, муассаса ва фермер хўжаликлари ҳамда жамоаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш, ишловчи ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги хайрия маблағларини жамият ҳисоб рақамига ўтказишлари белгиланган.

Тадбир пухта режа асосида ўтказилмоқда. Жумладан, «Жиззахтелеком» шўъба корхонаси маъмурияти ходимларнинг бир кунлик иш ҳақларини тегишли ҳисоб рақамига ўтказиш ниятини билдирди. Жиззах шаҳридаги «Тошлоқ» маҳалла қўмитаси гузардаги хоналардан бирини Кенгаш қошида ташкил этилган «Тиббий ижтимоий хизмат маркази» учун ижара тўловисиз ажратиб берди. Ушбу хона таъмирлангач, Испания Қизил Хоч жамияти томонидан Марказ учун тортиқ этилган мебел ва анжомлар жойлаштирилади. Яқинда ўқитувчилар малакасини ошириш институтида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан вилоят кенгаши ҳамкорликда халқ таълими тизимидаги ходимлар учун ўқув машғулотларини ташкил этдилар.

Айни пайтда, Кенгашнинг мактаб ва коллежлардаги бошланғич ташкилотларида тузилган «Ёшлар клублари» қизғин фаолият кўрсатмоқда. 8-11-синфлар ўқувчиларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирадиган ана шундай клублар учун ўқув муассасалари томонидан махсус хоналарнинг ажратилгани, уларнинг ишлаши учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилганлиги диққатга сазовордир. Клуб аъзоларининг фаолияти ўз тенгдошлари ўртасида шахсий гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзи, меҳр-мурувват ғояларини тарғиб қилишга, ўқувчи ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини ривожлантиришга, аср касаллиги бўлмиш — СПИДга ва гиёҳвандликка қарши ғоявий курашга қаратилгандир.

Кўриниб турибдики, олиб борилаётган ишларнинг кўлами кенг. Саховатлига омад ёр, — дейди доно халқимиз. Ана шунга амал қилган ҳолда мурувватга муҳтожлар учун вилоятимиз корхона, ташкилот, муассасалари, ишбилармон-тадбиркорлари, фермерлар, олийжаноб, саховатли кишиларимиз ўз ҳимматларини яна бир бор намойиш этиб, хайрия йиғиш ойлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишиларига шубҳа йўқ.

Ш. ЁҚУБОВ.

Ижтимоий ҳимоя

АНГРЕН РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИДА

Ангрен шаҳрининг тоғолди хушманзара ҳудудида жойлашган ушбу маскан аввалари йирик саноат корхоналаридан бирига қарашли пансионат бўлган эди. Бугунги кунда у барча қулайликларга эга Тошкент вилоят реабилитация марказига айлантирилди. Бу ерда ногиронлар саломатлиги муҳофаза қилинади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 7 январдаги қарори асосида ташкил этилган ушбу марказда беморларнинг сиҳат-саломатлигини тиклаш учун барча шароитлар яратилган. Шифо масканида, аввало, ногиронлик пенсиясида бўлган беморларнинг касалликлари аниқланади. Аниқ ташхис қўйилганидан сўнг муолажалар физиотерапия, сув билан даволаш, озокерит, парафин бўлимларида давом эттирилади. Беморлар даволаш гимнастикаси зали ҳамда яхши жиҳозланган бассейнда машғулотлар ўтказадилар.

Марказ иш бошлаганидан бери ўтган бир йил мобайнида бу ерда 212 нафар ногиронга тиббий хизмат кўрсатилди. Вилоят ижтимоий таъминот тизими тасарруфида бўлган бу марказда ҳамма хизматлар бепул. Беморларга Муҳаббат Эралиева бошчилигидаги 7 нафар даволовчи врач, 14 нафар ўрта ва 12 нафар кенжа тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади. Реабилитация маркази қошида махсус экспертлар гуруҳи ҳам фаолият кўрсатаётир. Диққатга сазовор жойи — шу ернинг ўзида ногиронлик гуруҳлари ҳам тиббий хулосалар асосида қайтадан кўриб чиқилади. Марказ Ангрен шаҳар меҳнат бўлими билан ҳамкорликда ҳунар ўрганиш хоҳишини билдирган ногиронларни маълум касбларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. 2000 йилнинг сентябридан бошлаб бу ерда бичиш, тикиш курслари ташкил этилди. Ўтган вақт мобайнида 15 нафар ногирон ана шу мактабни тугаллаб, ўзи яшаб турган жойларда ишга жойлашди.

Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган ногиронлар учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган ушбу марказни ҳомий ташкилотлар ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Ангрен шаҳар касалхонаси, «Ўзбекрезинатехника» корхонаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси марказ учун тиббий воситалар сотиб олишда яқиндан ёрдам бердилар. Марказ ходимларининг ўзлари ҳам қўшимча маблағ топиш имкониятидан яхши фойдаланишаётир. Айни пайтда аҳолининг бошқа турли қатламларига пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

«КОГОНЁҒ»ДА ЯНГИ ЦЕХ

Когон шаҳридаги «Когонёғ» ҳиссадорлик жамиятида «Истиқлол нон» кичик новвойхонаси фойдаланишга топширилди.

Цех бошлиғи Султон Камоловнинг айтишича, Туркия ускуналари асосида жиҳозланган цехда сифатли маҳсулот тайёрлаш билан биргаликда қўшимча ишчи ўринларини кўпайтириш кўзда тутилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида қандолат ва сутни қайта ишлаш цехларини ҳам фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу цехларнинг ишга тушиши нафақат «Когонёғ» ҳиссадорлик жамиятидагилар, балки шу яқин ҳудудда яшаётган аҳоли учун ҳам катта қулайлик яратади.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

Карши туманидаги «Ипак йўли» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Курбонназар Нурхоновни машина-трактор саройида ишчилар билан суҳбат чоғида учратдик. У тракторчиларга нималарнидир тушунтирарди. Шу пайт уни сўроқлаб келган отахонни очиқ чеҳра билан қаршилади.

ЎЗИМИЗНИНГ ГУЛ ҚИШЛОҚ

— Болам, бир юмуш билан олдингга келгандим.

— Бемалол, отахон, қулоғим сизда.

— Шу десанг жўжабирдай жонман, маракага бироз қўлим калталик қиляпти.

— Тушунарли, — деди касабақўм раиси уни хўжалик раҳбари ҳузурига бошлар экан.

Отахон ортиқча қоғозбозликларсиз талабини бир зумда қондирганларни яхшилаб дуо қилди.

Касабақўм ширкат хўжалиги аъзоларини ҳам мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олган. Жамоада ҳар йили ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилмоқда. Бунинг боиси ишчи-хизматчилар ўз меҳнатларига яраша рағбат олаётганидир. Чунки хўжалик маъмурияти ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Хўжалик раҳбари Шомурод Султонов ҳам касаба уюшмаси аъзоларининг истак ва талабларини қондириш учун ўз вақтида керакли маблағни ажратмоқда.

Яқинда ҳудуддаги Қурбон Ўлжабоев номли ўрта мактаб биносини иситиш учун 350 минг сўмлик газлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ўтган йилги кўрилган соф фойданинг 1 миллион 200 минг сўми мактабга компьютер олиш учун ажратилди. Аълочи ва кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳам хўжалик томонидан моддий кўмак берилмоқда.

Касабақўм меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, дам олиб саломатликларини тиклашлари учун ҳам баҳоли қудрат имкон яратиб бермоқда. Ишлашни билган одам мазмунли дам олиши ҳам керакда. «Қашқадарё соҳили», «Бешкент» санаторийлари билан тузилган шартномага кўра ишловчиларга навбати билан йўлланмалар берилмоқда. Энг қувонарлиси, йўлланма нархи юз фоиз хўжалик ҳисобидан тўланаётир.

Шунингдек, хўжалик марказидаги сартарошхона, турли устахоналар, савдо тармоқлари ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда. Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хўжаликда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари, маданий-маърифий, меҳнаткашлар иқтисодий, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир тадбирлар ана шулар жумласидандир.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ХАРАЖАТЛАР ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги (бошқарув раиси Матлуб Нўъмонов, касабақўм раиси Аминжон Ашуровлар)да бир овоздан маъқулланиб, жамоа шартномасига қўшимча банд сифатида киритилган таклифлар эътиборга лойиқдир.

Жамоа шартномасига оналар ва болалар манфаатларини кўзлаб киритилган 5 та имтиёз қуйидагилардан иборат:

Хўжаликда ишловчи оналар учун уларнинг 16 ёшгача бўлган фарзандларига ҳар ойда 1000 сўмдан қўшимча тўловлар жорий этилади. Эр-хотин хўжаликда ишласа, бу миқдор 2000 сўм қилиб белгиланади.

16 ёшгача ногирон боласи бўлган оилаларга ҳам қўшимча тарзда нафақалар тўлови жорий қилинади.

Икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлган (12 ёшгача) оналарга меҳнат таътилига қўшимча тарзда яна бир кун қўшиб берилади. 4-5 ёшдаги болаларнинг хорижий тилларни мукаммал ўрганишлари учун маъмурият ҳисобидан махсус курслар ташкил этилади. Кейинчалик уларни чет элга ўқишга юбориш билан боғлиқ харажатларни ҳам хўжалик ўз зиммасига олади.

Ҳомиладор аёллар икки ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда таътилга чиқарилади.

Шунингдек, жамоа шартномасида ичимлик сув масаласини тубдан яхшилашга қаратилган, меҳнат муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан киритилган таклифларга ҳам кенг ўрин берилди. Ўйлаймизки, бундай ғамхўрликларга жавобан аҳил жамоа аъзолари янада самарали ва унумли меҳнат қиладилар.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.



Бугун мамлакатимизнинг қай бурчагига борманг, замонавий усулда қад кўтарган коллежларга кўзингиз тушади. Бу кўркам ва ёруғ ўқув даргоҳларида эртамизнинг муносиб ворислари — ёшлар таълим олишмоқда. Яқинда Янгиерда қурилиш касб-ҳунар коллежи қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

Айни пайтда бу ерда 7 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Талабаларнинг умумий сони 700 нафарни ташкил этади. Уларга учта фан номзоди, 20 та олий тоифали ва 58 малакали ўқитувчи билим беришмоқда.

Коллежда талабаларнинг чуқур билим олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё этилган. Унда 900 ўринли ўқув корпуси, спорт мажмуи, ўқув устахонаси, 400 ўринли ётоқхона ва 250 ўринли ошхона мавжуд.

Суратларда: тажрибали педагог Саидмурод Баратбоев талабалар билан; касб-ҳунар коллежининг кўриниши.

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

НАМАНГАН ҚОҒОЗИ

Намангандаги «Наманган қоғоз» фабрикасида юқори сифатли ёзув қоғози ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дастлабки пайтда турли қийинчиликларга учраб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қийналган фабрикага Англиянинг Ж.Пател президентлик қилаётган «Квик стоп групп» компанияси ёрдам берди.

Бугунги кунда қоғоз фабрикасида барқарор молиявий-иқтисодий ҳолатга эришилган. Ҳозир ускуналарни синаб кўриш ва қоғознинг дастлабки намунасини ишлаб чиқариш тадбирлари олиб борилмоқда. Яқин кунларда корхона тўла қувват билан ишлай бошлайди ҳамда йилига 10 тоннагача қоғоз ишлаб чиқаради.

Бир пайтлар фабрика макулатурадан қоғоз ишлаб чиқарар эди. Ҳозир эса бу ерда хомашё ўрнида ёғоч целлюлозасидан фойдаланилмоқда. Маркетинг тадқиқотлари учун Тошкентга жўнатилган биринчи қоғоз туркумининг сифати юқори баҳоланди. У ташқи кўрсаткичларига кўра Финляндия қоғозидан қолишмайди.

Корхона ёғоч целлюлозасига муҳтожлик сезаётгани йўқ. Шундай бўлсада, бу ерда пахта линтидан целлюлоза ишлаб чиқарувчи махсус цех қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Корхона ишга туширилгач, 150 нафар киши иш билан таъминланди. Ишлаб чиқариш қувватининг кўпайиши билан бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар сони ҳам ошади.

(ЎзА).

Муаммо кўндаланг қўйилади

ҚОРАҚАЛПОҚ

Она табиат Оролбўйи этаклари, Қизилқум, Устюрт оралиғида жойлашган Қорақалпоғистон заминига битмас-туганмас бойлик ато қилган. Улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш қай даражада? Қуйида ана шулар ҳақида сўз юритилади.

Буён (қизилмия) асосан Кегейли, Нукус ва Қўнғирот туманларида, қисман Беруний туманининг баъзи ҳудудларида ўсади. Унинг илдизи фармацевтика, лак-бўёқ саноати учун ноёб хомашё ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ўсимликнинг илдизини олиш билан шуғулланувчи «Қорақалпоқбуён» бирлашмасига энг ривожланган хорижий мамлакатлардан тез-тез буюртмалар келиб турибди. Масалан, шу йилнинг ўзида Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Россия, Франциядан валютада тўлаш шарти билан буюртма олинди. Корхонада иш юришаётгани янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Шу ўринда айтиш керакки, корхона истеъмолчилар талаб-сўровларини доимо ўз вақтида адо этиб келади. Шу боис, ўтган йил 200 миллион сўм фойда билан якунланди. Амалдаги йилда икки ярим минг тонна қизилмия илдизи тайёрланиши мўлжалланмоқда.

Лекин, афсуски, ғоят фойдали неъматни тайёрлашда баъзи муаммолар учраб турибди. Мисол учун, кейинги йилларда ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида 18 минг гектарни эгаллаган буёнзорлардан 4 минг гектари йўқотилди. Бирлашма тасарруфидаги буёнзорлар эса сабабсиз бошқа мақсадларга йўналтирилаяпти. Масалан, Беруний туманидаги Бийбозор, Нукус туманидаги «Қизил уй» хўжаликларида жами 3870 гектар буёнзорлар бузилиб, ўрнига бошқа экинлар экилган. Ана шу ерларни ўзлаштириш учун 18 миллион сўм маблағ сарфланган эди-ку, ахир. Ваҳоланки, нобуд бўлган қизилмия илдизларининг нархи ўртача 5 миллион АҚШ долларига тенг. Бу қанчадан-қанча одамларни даромаддан маҳрум этаяпти.

Яна бир гап. Буён экилгандан сўнг 5 йил ўтгачгина илдизи истеъмолга яроқли ҳолга келади. Лекин шунга қарамасдан, айрим ихтисослашмаган хўжалик раҳбарлари томонидан хом ашёни яширин, арзон нархларда сотиб юбориш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Йил сайин уни истеъмол қилишга бўлган талаб-эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу боис, 1995 йил декабрда ҳукуматимизнинг Ўзбекистон Республикасида буён илдизларини кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди. Унга биноан Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзфармсаноат» концерни, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатига буён илдизини қайта ишлаш усулларини ва сифатли тайёр маҳсулотдан фойдаланишнинг энг мақбул йўлларини аниқ белгилаб олиш вазифаси топширилган эди. Унга кўра, мамлакат ички эҳтиёжини қондириш мақсадида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган махсус цех қуриш талаб этилади. Умуман, қизилмия илдизини хомашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот тарзида хорижга чиқариш учун чет эл сармояларини жалб этган ҳолда корхона қуриш вақти аллақачон етган. Мақсад амалга ошса кўплаб кишилар муқим иш билан таъминланарди.

— Энг аввало буён илдизи камида 5 йилда со-

Маънавиятимиз сарчашмалари

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Яқинда Чуст шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қиларканмиз, маданият ва истироҳат боғидаги масжид ва Мавлоно Лутфуллоҳ мақбараси эътиборимизни тортди. Ул зот ҳақида айрим ривоятлар эшитдик. Лекин улар қанчалик тўғрилигини билмаймиз. Шунинг учун сизлардан ушбу табаррук инсон фаолияти хусусида батафсилроқ маълумот беришларингизни сўрайман.

Шермуҳаммад АЛИМАТОВ,
Шаҳрихон тумани.

МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ КИМ?

Дарҳақиқат, шаҳар истироҳат боғида кўкка бўй чўзиб турган мовий гумбазли минора ва Мавлоно Лутфуллоҳ масжидининг безакдор айвони ҳар қандай нозиктаъб кишининг эътиборини ўзига тортмасдан қўймайди. Хўш, бу зоти шариф ким бўлган ва халқ меҳрэътиборини қай тариқа шунчалик қозонган, нима учун унинг номида масжидлар қурилган? «Чуст тарихи» китобидан қуйидаги маълумотларни ўқиймиз: «1876-1900 йилларда Чуст уездида 9 та мадраса ёшларга таълим-тарбия берган, шаҳар ичида эса яна 2 та мадраса мавжуд бўлиб улар «Ҳазрати Мавлоно» ва «Мулла Муҳаммад Юсуф Ҳалифа» деб аталган. (Демак, большевиклар қулоғимизга қуйиб келганидек, Ўктабр инқилобигача Ўзбекистон ҳудудида бир нечтагина ўқув юртлари фаолият кўрсатган ва одамларнинг 90 фоизи саводсиз бўлган, деган гаплар қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас.)

Яқинларгача мазкур дин арбоби, Фарғона водийсидаги Нақшбандия тариқатининг намояндаси, халқ орасида машҳур мироб, табиб ва сиёсий арбоб сифатида танилган шахс ҳақида ривоят ва афсоналар кўп, бироқ ёзма манбалардан бирон жўяли гапни топиш мушкул эди. Ниҳоят, XIX аср охири ва XX аср бошларида Мавлоно ҳаёти ва фаолиятига илмий ёндошиш бошланди. Академик А.А.Семёнов 1941 йилда Чустга келади ва ҳозирги истироҳат боғидаги ул зот қабрини зиёрат қилади, мозор шайхи — яъни Мавлоно Лутфуллоҳ авлоди вакили қўлидан у тўғрида битилган нодир қўлёзма асар — «Нурга йўғрилган донишмандлар ҳикмати» китобини олади.

Ушбу рисола шайхнинг шогирди ва замондоши XVI асрда яшаган Убайдуллоҳ Самарқандий ижодига мансуб эди. Нодир манба ҳам тарихий, ҳам бадиий қимматга эга бўлиб, ундан XVI-XVII асрдаги водий шаҳарларининг тарихи, аҳолисининг турмуши ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган. Семёнов узоқ йиллар давомида 216 саҳифадан иборат асарни ўрганиб ва уни шарҳлаб, шу асосда йирик асар яратди. Жумладан, китобда шайхнинг довруғи Ўрта Осиё ҳатто Афғонистонгача бориб етганлиги, нуфузли ҳукмдорлар ва султонлар у билан ҳисоблашганликлари баён этилади.

Маълумки, ўша замонларда шаҳзодалар, муросасиз беку арбоблар ҳокимият талашиб жангу жадаллар олиб боришган. Бу эса ўз навбатида оддий халқнинг, бева-бечораларнинг қони тўкилишига сабаб бўлди. Обрўли дин арбобларигина шафқатсиз ҳукмдорларни бу йўлдан қайтаришга қодир эдилар, холос. Ўз вақтида Хўжа Аҳрор, Маҳдуми Аъзамлар ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да қирғинларнинг олдини олганлар. Катта иқтидор эгаси бўлган Мавлоно ҳам бу йўлда ўзини аямади ва у тезда Фарғона водийсидаги Нақшбандия таълимотининг сардорига айланди. Аслида Поп туманининг Чодак қишлоғида дунёга келган, тақдир тақозоси билан Чустга келиб қолган шайх бу ерда ҳар тарафлама кенг қамровли билим эгаси бўлганлиги, адолатпарвар ва фуқаропарварлиги туфайли халқ орасида катта ҳурмат-эътибор қозонади. Қатор масжид ва мадрасалар қурдиради. Қақраб ётган ерларга сув чиқариш, ариқлар қазишга бош бўлади. Айтишларича, мавлоно ҳассаси билан чизиб берган жойдан албатта сув чиққан. Деҳқонлар сувсизликдан азоб чекканларида фақат унга мурожаат қилишган. Унинг ташаббуси билан шаҳар чеккасидаги кимсасиз ва даштли майдон ўрнида катта боғ барпо этилган. Камбағаллар оғирини енгиллаштириш, зиддиятларни одиллик ила ақлидрокка суяниб бартараф этиш у кишига хос одат эди. Шу боисдан бўлса керак, Ахсикент ҳукмдори Дарвеш Султон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлатни бошқаришда устозининг маслаҳатларига амал қиларди. Мавлоно бу ердаги барча диний маросимларга бош-қош бўлар, унинг тарафдорлари Фарғона водийсидан то Ўрта Осиё шаҳарларигача тарқалганди. Муридлари орасида шоҳ ҳам, гадо ҳам бор эди. Ҳисор ҳокими Муҳаммад Султон, Самарқанд ҳукмдори Султон Саидхонлар шулар жумласига киради.

У ўз муридлари ҳомийлигида Ислом таълимотини Ўрта Осиёнинг турли бурчакларида, Ҳисор ва Бадахшонда, Фарғона водийси-ю Афғонистонда тарғиб қилади. Адолат ва тинчлик ғоясини ёйиш орқали ўзаро урушларнинг олдини олади, халқнинг осойишта яшашига замин тайёрлайди. Ҳатто, унинг шогирдларидан бири, Туркия султони маслаҳатчиси Фатҳуллоҳ ўз устозига совға қилиб 10 минг бошга яқин қўйни Чустга юборган экан. Ҳазратнинг обрўэътиборидан унинг рақиблари ҳам, чунончи кўчманчилар, мўғул хонлари ҳам ҳайиқишган.

Юқорида тилга олинган китобда қайд этилишича, қозоқ хони Буйдамхон 1559-1560 йилларда Мовароуннаҳрни эгаллаш учун Фарғонага катта юриш қилади. Шайх бетоб бўлишига қарамасдан оммани босқинчиларга қарши курашга отлантиради, душман албатта енгилишини олдиндан башорат қилади. Аслида шундай бўлади ҳам. Талончилик ва қон тўкилишига барҳам берилади. Шайх нафақат қирғинбарот урушлар алангасини ўчирган, балки табиий офатлар, айниқса, бедаво касалликларнинг олдини олишда ҳам жонбозлик кўрсатган. Хулоса қилиб айтганда, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий бир умр халқ ғамини еди, одамларни яхшилик сари даъват этиб яшади, биродарликка чақирди. У Самарқандда тасаввуф ва дунёвий илмларни чуқур ўрганганлиги боис халқ орасида улуғ аллома сифатида танилди. Ҳазратнинг муборак номи фақатгина Республикамиз мустақилликка эришгачгина қайта тикланди. Шайх мангу уйқуда ётган жой — мақбара тубдан қайта бунёд этилди. Боғ ободонлаштирилди. Агар ўтган йили ана шу мақсад учун 68 миллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 80 миллион сўмни ташкил этади. Чойхона, сув ҳавзаси, турли ўйингоҳлар ва кўкаламзорлаштириш ишлари ана шу маблағ эвазига бунёдга келади. Бинобарин, бугунги кунда миннатдор авлодлар унинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб қайта-қайта эсга олишмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач БМТ билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга масъул ихтисослашган муассасалар сафига қабул қилинди. Улар орасида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) алоҳида ўрин тутади.

Қасаба уюшмаларининг бевосита ташаббуси билан ташкил топган бу нуфузли ташкилот томонидан 80 йил давомида қабул қилинган халқаро меҳнат меъёрларига тааллуқли 182 та конвенция, 190 та тавсияларнинг аксарияти бугунги кунда дунёнинг 170 дан ошиқ мамлакатида меҳнат муносабатларида ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Қувончлиси шуки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилотининг 11 та конвенцияси ратификация қилинди.

Ана шу конвенцияларнинг мазмун-моҳиятини газетхонлар кенг қатламига яқиндан таништириш, улар бўйича республикада яратилган ҳуқуқий негиз тўғрисида тушунча бериш мақсадида уларга оид маълумотларни «Ишонч» саҳифаларида бериб бораяпмиз.

29-Конвенция

Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йил Конвенцияси

(қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенция қатнашчиси бўлган давлат ўз зиммасига ҳар қандай шаклдаги зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни қўлланишни бартараф этиш юзасидан мажбуриятлар олади.

Конвенциянинг мақсадлари учун «зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат» атамаси бирор бир шахсдан, башарти у ўз хизматини ихтиёрий равишда таклиф этмаган бўлса, бирор бир жазолашни таҳдид қилиб талаб этиладиган ҳар қандай иш ёки хизматни билдиради.

Конвенция мажбурий ҳарбий хизматга ва соф ҳарбий тусдаги ишларга, фуқаролар одатдаги мажбуриятларнинг бир қисми ҳисобланган ҳар қандай иш ёки хизматга, бирор бир шахсдан суд органининг ҳукми оқибатида талаб этиладиган ҳар қандай иш ёки хизматга, шунингдек фавқулодда ҳолатларга (уруш, фалокатларда ёки фалокат хавфи бўлганда) ва жамоатчилик тусидаги майда ишларга (жамоа аъзоларининг фуқаролик бурчларига) қўлланмаслиги мумкин.

Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида қабул қилинган ҳар қандай қарор учун мазкур ҳудуднинг олий фуқаролик ҳокимияти жавобгардир.

Ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ фақат 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркак жинсидаги катта ёшли, меҳнатга қобилиятли шахсларгина зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга жалб этилиши мумкин. Шахс турли шаклдаги зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга жалб этилиши мумкин бўлган энг кўп давр йилига 60 кундан ортмаслиги лозим.

Ушбу Конвенцияни бажариш мақсадида қатнашчи давлатларнинг ваколатли ҳокимиятлари зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни қўлланишнинг регламентациясини белгилайдилар.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи.

Ушбу Конвенция ХМТнинг саккизта асос солувчи Конвенцияларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

Миллий қонунчилик ҳужжатлари мазкур Конвенция принципларига мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнатни тақиқлайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири - меҳнат қилишнинг ихтиёрийлигидир (Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида)ги Қонуннинг 5-моддаси).

Меҳнат кодексининг 7-моддасида қуйидагилар белгилаб қўйилган: «Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади

Қуйидаги ишлар, яъни:

* ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;
* фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
* суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
* қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисоболанмайди.»

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида таъкидланишича:

«Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.»

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меҳнат органларининг таклифига кўра ва уларнинг иштирокида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўз мулкидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳамда шартномалар асосида бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг амалга оширилишини ташкил этадилар.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун кейинчалик икки ойгача муддатга узайтириш ҳуқуқи билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади.

Жамоат ишларини бажариш чоғида фуқароларга бажарилаётган ишга қараб, бироқ ўн беш фоизга оширилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш, ана шу ишлар муддатини умумий меҳнат стажига қўшиш, пенсия таъминоти ва вақтинча ишга лаёқатсизлик юзасидан нафақалар олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш, шунингдек уларга ишсизларнинг иштирок этиши тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги 353-сонли қарори билан тасдиқланган «ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида Низом» билан белгиланади.

(Давоми бор).

ГАЗЕТАНИНГ ИЛК СОНИ

Бухорода «Бухоро ёшлари» деб номланган ижтимоий, маънавий-маърифий газетанинг биринчи сони ўқувчилар қўлига тегди. Янги нашр ёшларнинг ижтимоий ҳаракати юзага келаётган бир пайтда чиқаётганлиги айни муддаодир.

Газетанинг илк сони саҳифаларидан «Тарбияда бўшлиқ бўлса...», «Келажак бойлиги», «Ватан тақдири ўз қўлимизда» сарлавҳали мақолалар ўрин олганки, уларда билдирилган фикрлар, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган муаммолар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

«Бухоро ёшлари» вилоят ёшларининг миллий истиқлол ғояси атрофида жипслашувига кўмаклашади ва уларни маърифий ҳамда маданий минбарига айланади, деган умиддамиз.

Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганлар ва ўсмирлар билан ишлаш ички ишлар бошқармаси ходимлари маҳалла ва мактабларда ёшлар билан профилактик ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Шунингдек, маҳалла оқсоқоллари ҳамда мактаб раҳбарлари билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

Суратда: милиция старшинаси Беҳзод Хидиров ўқувчилар билан суҳбатлашмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Қилмиш — қидирмиш

БУНГА ҲАММА ЖАВОБГАР

Китоб туманидаги «Варганза» жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Фарҳод Рўзиев дўстлари билан ичкилик ичиб, кайфи ошиб қолгач, уйига келиб жанжал кўтарди. Дастлаб отаси Кудир Рўзиев билан ади-бади айтишди, сўнгра ҳамқишлоғи Шавкат Раҳимовга кўзи тушиб қолди-ю, ҳе йўқ бе йўқ қўлига пичоқ олганча, уни қувлаб кетди. Шавкат бир амаллаб қочиб қутулди. Бироқ Фарҳод тинчимади. У уйига келиб тўполонни давом эттирди.

Опаси Орзигул уни тинчлантириш учун ялиниб-ёлворса-да, Фарҳод унинг гапларига заррача эътибор қилмади. У ўзини бошқаролмай қолган эди. Шунда Жўрабекнинг акасини тинчлантиришга уриниши жуда қимматга тушди.

Қутуриб кетган Фарҳод қўлидаги пичоқни дастлаб укасининг тиззасига санчиб олди. Сўнгра қорнига ҳам бир неча маротаба урди. Оғир яраланган Жўрабек биринчи тиббий ёрдам кўрсатилаётган маҳал дунёдан кўз юмди.

Ўз жигарининг қотилига айланган Фарҳод Рўзиевнинг жиноят иши вилоят судида кўрилиб, қотил узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда Фарҳод яшаган хонадонда муҳит қандай эди, деган савол туғилиши табиий. Йигитнинг бундай юришига нега бошқалар эътибор қилишмади? Бизни маҳалла аҳли ва қўни-қўшнилар нега маст йигитни кўпчилик бўлиб тинчлантириш чорасини кўришмади, бу фалокатнинг олдини олишмади, деган савол ҳам кўпроқ қизиқтиради.

Шу ўринда ёзувчи Паустовскийнинг «Маст одам манфур ҳайвондан ҳам баттар бўлса, бунга — ҳамма жавобгар» деган фикрини зикр этишни лозим топдик...

М.ҲАЙИТОВА.

ҚОНУНДАН НАЖОТ ТОПДИ

Янгиариқлик якка тадбиркор Одилбек Қўчқоровга автомашиналар зарур бўлиб қолди. Шу тумандаги «Оқсоқол» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи Одилбек Рўзметов бундан хабар топиб, ваъдани қуюқ қилди. Икки ўртада нархлар келишилиб, шартнома имзоланди.

Шартномага асосан автомашиналар 3 ойда тадбиркор қўлига тегадиган бўлди. 250 минг сўмни «Оқсоқол» ҳисобига ўтказиб берган тадбиркор автомашиналарни 8 ой кутди. Лекин улардан дарак бўлмади. Тадбиркор ўз ҳамкорига учрашишдан, у эса ваъда беришдан чарчамади. Шундай қилиб, 2000 йилнинг ўн ярим ойи ҳам орқада қолди. О.Қўчқоров автомашиналарни олишига кўзи етмагач, пулни қайтаришни талаб қилди. Аммо О.Рўзметов молиявий аҳволи ночорлигини рўкач қилиб, пулни ҳам қайтармади.

Тадбиркор автомашиналарни ҳам, пулини ҳам яхшиликча ололмаслигини фаҳмлади ва даъвогардан 250 минг сўм асосий қарзни, икки ўртада имзоланган шартноманинг 5-бандига асосан қарзнинг 3 фоизи миқдорида — 7500 сўм жарима, маҳсулот етказиб бериш белгиланган муддат тугагандан кейин ўтган 579 куннинг ҳар куни учун 0,5 фоиздан, жами 723750 сўм пеня ва давлат божини ундириш юзасидан даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилди. Даъвонинг мазмуни ва унинг судда кўриб чиқилиш муддати жавобгарга маълум қилинди. Гарчи О.Рўзметов берилган телеграммаларни олган бўлса ҳам судда қатнашишни ё истамади ёки лозим топмади. Ноилож, белгиланган тартибга кўра даъво ишини унинг иштирокисиз кўриб чиқишга тўғри келди.

Ниҳоят, тадбиркор қонундан нажот топди. Суд тақдим қилинган маълумотлар, ҳужжатлар, даъвогар О.Қўчқоров ва Ш.Бобожоновларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланиб, тадбиркор фойдасига қарор чиқарди. Унга кўра О.Рўзметов асосий қарз, жарима, пеня ҳамда давлат божини қўшиб ҳисоблаганда 1 миллион 13 минг 187 сўм тўлаши лозим бўлади. Шунингдек, юборилган телеграммалар учун 800 сўм ҳам ундан ундирилади.

Ҳа, шартнома шартлари бажарилмади. Олинган пул мақсадсиз ишлатилган бўлса керак, маҳсулот етказиб берилмади. Ҳамкорликка путур етди, ишонч йўқолди. Энди тадбиркор О.Қўчқоров ҳамкорликни ким билан қилишни олдиндан билиб, сўнг иш юритадиган бўлди. Ўйлаймизки, у бошқаларга ҳам шуни тавсия қилса керак.

С.РАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят хўжалик судининг судьяси.

БОЙЛИГИ

ундан фойдаланиш қандай?

тишга яроқли ҳолга келишини эътиборга олиб, шу муддат ўтгунча буёнзорлари мавжуд участкаларни солиққа тортмаслик лозим, - дейди Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Т.Иброҳимов. - Шу боис, «Қорақалпоқбуён» бирлашмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамламоқ кун тартибидаги ечимини кутаётган муаммолардан биридир. Уни тегишли мутасадди ташкилотлар ёрдамида тезроқ ҳал этиш керак.

Воҳа бойликларидан яна бири туз конларидир. Устюртдаги Борса-келмас ва Қароумбет туз конларида битмас-туганмас заҳиралар мавжуд. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Кўнғирот сода заводи ҳам айнан Борса-келмас туз конидан асосий хом ашё олиш ҳисобига ишлайди. Ҳозир қурилиши давом этаётган мазкур корхонанинг шимолроғидаги Қароумбет туз конидан эса ота-боболаримиз бир неча ўн йиллардан буён оддий усулда фойдаланиб келаётган эди. Мазкур коннинг умумий майдони 200 гектарни ташкил этиб, ҳисоб-китобларга кўра салкам 17 миллион тонна туз заҳираларига эга. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1997 йил июн ойидаги қарори асосида «Қорақалпоқтуз» уюшмаси ташкил этилди. Унинг ихтиёрига Қароумбет туз конидан 50 гектар ажратилиб, 10 йил муддатга фойдаланиш учун берилди. Бу ерда 1997 йил ноябр ойидан эътиборан туз қазиб олиниб, техник маҳсулот сифатида мижозларга етказиш йўлга қўйилди. Хомашё «Қорақалпоқтуз»нинг Беруний, Кўнғирот ва Нукус шаҳарларидаги корхоналарида қайта ишланади. Нукус шаҳрида йодланган ош тузи ишлаб чиқарувчи, қадоқловчи корхона ишга тушди.

Уюшма томонидан 1998-2000 йиллар оралиғида 64,5 минг тонна туз қазиб олинди. Унинг кўп қисми мамлакатимиз энергетика ва коммунал хизмат соҳаларига етказиб берилди.

Бироқ, муҳим табиий неъмат қазиб олиш, уни аниқ режа асосида қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказишда қатор камчиликларга йўл қўйилаётир. Тузни қинғир йўллар билан қазиб олиб, уни «чап»га жўнатувчи ўзига хос «тадбиркор»лар ҳам кўп учрамоқда. Аниқроқ айтганда, конда бойликни талон-тарож қилувчиларга қарши кураш олиб бориш талаб даражасида эмас, қатъий назорат ўрнатилмаган. Иккинчидан эса, Кўнғирот шаҳридан 45 километр узоқликда, Устюрт саҳросида жойлашган конда ишловчилар учун етарли шароитлар яратилмаган. Қазиб олишда оддий қоидалар ҳам бузилмоқда. Маҳсулотни жўнатишда катта исроф-гарчиликка йўл қўйилаётир. Энг муҳими, ҳалигача мазкур маҳсулотни хорижга чиқаришга етарли даражада эътибор қаратилгани йўқ.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

ЗУЛФИЯ

БУ БОҒЛАР... БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ

Ҳаётда шундай кишилар бўладики, уларнинг ҳар бир сўзи миллатнинг қалб гавҳарига, ҳар босган изи яхшилик ва эзгуликка йўғрилиб, эли, элдошларини нурли манзилга бошлайди. Ўзбекистон халқ шоираси, шеъриятимиз маликаси Зулфияхоним ҳам ўзининг мукаммал хислатлари, вафо-садоқати билан миллат аёлларининг, оналарининг тимсолига айланган, тақдирини халқ, Ватан, миллат тақдирига боғлаган, ижоди билан ўзига ҳайкал қўйган мукаррам зот эди. У ҳар қанча юксак мартабага эришмасин, ҳамиша ҳақгўй ва камтаринлигича қолган. 20 йилдан ортиқроқ «Саодат» журналининг бош муҳаррири сифатида ўзбек аёлларининг қалбига нур, зиё улашди, уларни комиллик томон бошлади. Зулфияхоним ҳаёти, ижоди, эътиқоди билан ҳамиша Шарқнинг буюк даҳолари меросига, маънавиятига содиқ қолди. Зукко ва доно ўзбек аёли, Шарқнинг булбули гўёси бўлиб шеърлар айтди, қуллик, қарамликда ҳам синмаган халқ иродасини дунёга намойиш этди.

Зулфияхоним ҳамиша қатъият, сабот ва матонат билан яшади ва ўзбек қизларини ҳам аждодларидек ўктам ва жасур, бир сўзли, мағрур ва насл-насабига монанд маънан етук инсон бўлишга ундади. Устоз ялт этган истеъдодларни излаб топди, уларга раҳнамолик қилиб, катта ҳаётга олиб кирди. Эрк ва озодлик, қолаверса, оқилона сиёсат шарофати ила Президентимиз томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бу мукофот биринчидан халқ шоирасига эҳтиром рамзи бўлса, иккинчидан ёшларга Ҳуррият туҳфасидир.

Шивирлаб майсалар барг ёзаётган, қушлар вижирлашиб мангулик қўшиғини бошлаган баҳорнинг биринчи куни Зулфияхонимнинг таваллуд кунлари. Зоти мукаррам ҳаёт бўлганларида бугун 86 баҳорни қаршилаган бўлардилар. Ҳаёти афсоналарга айланган шоира ўзининг дилбар шеърлари, пок муҳаббати, садоқати билан қалбимизда мангу яшайди. Зеро, Зулфияхоним ўзлари башорат қилганларидек:

Аёл бахти!
Мендек аёл бахтига
Тақдир маликани
кўрганми лойиқ?
Халқ меҳрида, ёрман
эл шуҳратига
Бахтли аёл деса
ҳақли халойиқ!

Бу оқшом пориллар дил нурингизда,
Дийдор бахти насиб яна сиз билан.
Турибман, азизлар, ҳузурингизда
Ҳамон ўтлиғ кўнгил, ёруғ юз билан.
Ҳамон мулкимдаги сийму зарим шеър,
Сочимда, чеҳрамда йиллардан нишон.
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она-ер,
Орзуларим карвон, сарбоним ишонч.
Ҳамон ота-онам икки жаҳоним,
Азиз ёди аро шикаста, бутман.
Ишқим алангадир, қордир ҳижроним,
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга — икки қорачиқ
Муниса Ҳулкарим, алпим Омоним.
Ширин набиралар толедан тортиқ,
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.
Номлари, ёдлари пайғамбар монанд
Ҳазрат устозларим — теран илдизлар.
Мен ундан жон олиб кўкарган дарахт,
Изимда ниҳоллар, оташсўз қизлар.
Ҳикматлар бахрида дур, марваридим,
Аждодларим — менга ифтихор, ғурур.
Шу мавжлардан томган нуқта умидим,
Шоира қизларим бахш этган сурур.

Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас завол лашкари.
Мен кетсам мунғаймас ўрним ҳеч қачон,
Бу боғлар... бир боғлар бўлади ҳали...
Ҳамон эътиқодим ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман юзимни тутиб Каъбага.
Емира олмади ўткинчи тақдир.
Осуда ўтади руҳим абадга.
Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур,
Асли сиз офтобсиз, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,
Бахтим шул — ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН.

НИКОҲ ТЎЙИ ҚЎШИҚЛАРИ

Барҳаёт удумлар

Тўйлар халқимизнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, қадрият ва анъаналари, турмуш тарзи, маданияти, қўйингки, ўзида барча ижобий хислатларини намоён этувчи маънавиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Урф-одатлар, расм-русумларнинг кўплиги жиҳатидан бирор-бир миллатнинг тўйи ўзбекнинг тўйи олдига тушолмаса керак. Бу борада никоҳ тўйи алоҳида ажралиб туради. Ўзбекнинг энг катта ва урф-одатларга энг бой никоҳ тўйини ҳар томонлама кенг ўрганиш халқимиз миллий ўзлигини англаётган, қаддини тиклаётган, қадрини улуғлаётган ҳозирги даврда ғоят муҳим ва долзарб. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида никоҳ тўйи муносабати билан айтиладиган ёр-ёрлар, ўланлар, саломномалар ва бошқа турли айтимлар мавжуд. Уларнинг бир қисми нашр этилган бўлса, бир қисми ҳали ўз тадқиқотчисини кутиб ётибди.

Бу қўшиқларда халқнинг турмуш тарзи, маънавияти, дунёқараши, орзу-армонлари, олам ва одам, умрнинг маъноси, инсоний бахт мезонлари, ҳаёт, оила, муҳаббат, меҳр-оқибат, вафо-садоқат, одоб-ахлоқ, иффат-ҳаё, поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, мардлик тўғрисидаги нуқтаи назарлари ўз аксини топган.

Тўй қўшиқларининг тили содда ва равон, услуби енгил ва ўйноқи, ўткир киноя, қочирим, ҳазил ва лутфларга бой. Гўзал ва оҳорли ташбеҳлар кишини ҳайратга солади. Мазмуни чуқур, фалсафаси қуюқ. Негаки улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб сайқал топган.

Никоҳ оқшоми одатда «Тўйлар муборак!» билан бошланади. Гоҳ якка, гоҳ кўпчилик бўлиб ижро этиладиган бу қўшиқлар орқали тўй соҳиблари, келин ва куёвга қутловлар ёғдирилади, уларга эзгу тилаклар билдирилади. Жумладан:

Ҳар ким муродини истар
Худодин,
Оллоҳ бергай барча
қулнинг муродин,
Тўй айламоқ қолди Одам
Атодин,
Алар ҳаққи, тўйлар
муборак бўлсин!

Никоҳ тўйи қўшиқларининг асосий қисмини ёр-ёрлар ва ўланлар ташкил этади. Ёр-ёрларга тўй қувончи, келин-куёв таърифтавсифи, атрофдагиларнинг уларга муносабати, қайнона-қайнота, қариндош-уруғларнинг орзу-тилаклари, дуолари, келин узатиш манзаралари, висол хушбахтлиги-ю, айрилиқ аламидан тортиб, тириклик моҳияти-ю, инсон умрининг мазмуни ҳақидаги чуқур фалсафий мулоҳазаларгача ўз аксини топади. Чунончи, қуйидаги сатрларда келин ҳусни таърифланади:

Қийғоч қоши қалдирғоч
Қанотидай, ёр-ёр.
Лаби қандолатфуруш
Новвотидай, ёр-ёр.

Мана бу мисралар эса, «Бу дунёда бағри бутун одам йўқ!» деган чуқур ҳаётий хулосанинг гўзал бадиий тасвиридир:

Бу дунёда топилса
Бағри бутун, ёр-ёр.
Қоғоздан ўчоқ қилай,
Гулдан ўтин, ёр-ёр.

Ўлан қиз ва йигит ёки қизлар ва йигитлар, тўй кечасида эса келин ва унинг дугоналари-ю янгалари билан куёв ва унинг жўралари ўртасидаги айтишувдан иборат. Бунда ҳозиржавоблик, нозик ҳазил ва қочиримлар етакчи ўрин тутади. Ёр-ёрлар каби ўланларнинг ҳам мавзу доираси кенг, маъно-мазмуни теран бўлади. Масалан:

Қиз:

— Олти йигит ичида отинг
Турсун, ёр-ёр,
Кўзачага сув қуйдим —
тиниб турсин, ёр-ёр.
Чиндан суйиб ўйнасанг,
мен борайин, ёр-ёр,
Ёлғон билан чақирсанг,
бетинг қурсин, ёр-ёр.

Йигит:

— Олти қизнинг ичида
отинг Анор, ёр-ёр,
Анордайин бетларингдан
қонлар томар, ёр-ёр.
Нурлар томган бетингдан
бир ўптирсанг, ёр-ёр,
Она сутин эмгандайин
меҳрим қонар, ёр-ёр.

Тўй маросимининг асосий таркибий қисмларидан бири «келин салом» ҳисобланади. Тўйнинг эртаси куни келинни янги хонадон аҳли ва яқин қариндошларига таништириш удуми ўтказилади. Кайвони ёки сўзга чечан, пири бадавлат момолардан бири келиннинг ёнида туриб, уни салом қилдиради. Келин салом Парвардигори олам, унинг пайғамбарлари, азиз авлиёларга салом беришдан бошланиб, кейин қайнона-ю қайнота ва бошқа яқин уруғ-аймоғи, қўни-қўшниларига ўтилади. Келин саломдан қишлоқ ёки маҳалланинг обрўли кишилари-ю, ичкари ва ташқарида хизмат қилиб юрган ошпазу самоварчи, ҳатто бешикдаги чақалоққача — ҳеч ким қуруқ қолмайди. Бунда уларнинг касб-кори, энг яхши фазилатлари улуғланади. Масалан:

Оқ сақичдай эшилган,
Келин олиб керилган
Қайнонасига салом!
Мис қозонда ош берган,
Элу юртга бош бўлган
Қайнотасига салом!

Келин саломлар кўпинча ҳазил, киноя ва қочиримларга бой бўлиб, салом йўлланаётган кишининг бирор қусури енгил қулги остига олинади:

Сутни пишириб
тоширган,
Гапни элдан-элга
оширган
Янгаларига бир салом!
Қирда турган қобондай,
Қопга тиққан сомондай,
Қайноғасига бир салом!

Куёв салом маросими тўйдан уч кун кейин ўтказилади. Бунда келин томон куёвни чақиради. Бу маросим ҳозирда «чақириқ», «чарлар» номи билан машҳур. Унда энди куёв келиннинг яқинларига таништирилади ва салом қилдирилади:

Ота бўлиб одоб берган,
Қизим бор, деб кўкрак
керган
Қайнотасига куёв салом!

Қиз туғиб бўй етказган,
Бугун бағридан кетказган
Қайнонасига куёв салом!

Эргаш ОЧИЛОВ.

(Давоми бор).

Табиат ва биз

Бир вақтлар Хитойда «Сен туфайли нонимиз яримта бўляпти» деб 11-13 миллиард чумчуқларни ноғора чалиб чарчатиб, қириб ташлашди. Аммо, орадан бироз вақт ўтгач, бошқа давлатлардан сотиб олиб кўпайтиришга мажбур бўлишди. Чунки, чумчуқсиз табиатда ҳашаротлар кўпайиб, дон ҳосили кескин камайиб кетди.

ҲОТАМТОЙ ҚУШЧА

Ҳа, чумчуқ ўз ризқини ҳалоллаб ейди. Қолаверса, табиатда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ, мувозанат шароитида яшайди.

Чумчуқнинг оғирлиги 25 граммдан ошмайди, аммо кунига ўз вазнига нисбатан камида икки баравар кўп овқат ейди. Чунки, ўзининг 40 даражали ҳароратини доимий сақлаш ва чаққон, ҳаракатчан бўлиш учун шунга яраша озиқ ҳам талаб этилади.

Ҳамма вақт дон чўқишга шай бўлсада, дон ё нон ушоғини топса қизғанмай дарров «шерикларини» чақиради, топган нарсасини бегона полопонлардан аямайди. Бундай ҳотамтойлик бошқа паррандаларда йўқ.

Ғофур ЖЎРАЕВ.

Биласизми?

ЧОРИҒИНГНИ ҚУРИТМА

Кўрган кунинг унутма, ҳам чориғинг қуритма, деган халқ мақоли бор. Унда «чориқ» сўзи ишлатилган. Чориқ Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё халқлари орасида кийиладиган арзон ва камбағалбоп пойафзал тури бўлган. Мол терисидан жуда содда усулда тайёрланган. Унга бошқа оёқ кийимларига ўхшаб тагчарм, пошна ишлатилмайди. У чарм тасма билан бўғиб кийилади.

Чориқни деярли чўпон-чўлиқлар, чўл ва тоғларда яшовчилар кийганлар. Ўзи енгил, унчамунчага йиртилмайди, сув ҳам ўтмайди.

Ўтмишдаги ҳаётини унутиб қўйган, кеккайган, такаббур кишиларнинг ман-манлигига ишора қилиб юқоридаги мақол тўқилган.

А.АЛИЕВ.

МИЛЛАТИМИЗ ФАХРИЙЛАРИ

Ўзбек миллий маданияти ва санъати ривожига улкан ижодий ҳисса қўшган адиб ва санъаткорлар халқимизнинг севимли зиёлилари сифатида эъзоз топмоқда. Ўзбекистон Президенти Фармони билан уларнинг бир гуруҳи муносиб тақдирланди.

Мамлакатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган таниқли ижодкорлар орасида Ғафур Ғулом, Ойбек, Муҳиддин Қориёқубов, Аброр Ҳидоятов, Ботир Зокиров ва бошқалар ҳам бор.

«Чўлпон» нашриёти ушбу зотлар ҳақида ҳикоя қилувчи тўпламларни чоп этиш тараддудини кўрмоқда. «Миллатимиз фахрийлари» рукни остида ёш китобхонларга Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига яхши совға бўладиган мазкур китобларда машҳур кишиларнинг энг яхши ижод намуналари ҳам ёритилади.

Матнлар лотин ҳарфида бўлган мазкур нашрларнинг ҳар бири 20 минг нусхада чоп этилади.

Ҳушёрликка даъват

АСР ВАБОСИ

унинг тарқалишига бефарқлик жиноят

Мамлакатимиз тараққиёти, келажагимиз ёш авлод қўлида. Бугун қўйилган тамал тошини, бошланган улуғ ишларни улар давом эттиради.

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, оз бўлса-да, гиёҳвандликка ружу қўяётган кимсаларнинг пайдо бўлиб қолаётганлиги кишини ташвишлантиради. Аср вабосини илк куртаклигидаёқ таг-туги билан қўпориб ташлаш, унга қарши курашишда Денов туманлараро прокуратурасида бошқа жойларда бўлгани каби муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, бу муаммо ечими фақат прокуратура ва ички ишлар идораларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик ва бошқа муассаса ҳамда ташкилотлар ходимларининг ҳам ижтимоий, ҳам фуқаролик бурчидир.

Агар инсоф унутилса ва инсонийлик қиёфаси йўқотилса, киши қанчалар тубанлашувига бир мисол: Хоразм вилояти Ҳазорасп туманилик фуқаролар Ибодулло Болтаев ва Муродбек Ражабов мўмай пул топиш мақсадида Денов шаҳрида яшовчи Гулбаҳор Қораеванинг уйида бир кеча меҳмон бўлишади. Ўзлари миниб келган «Нексия» автомашинасини салкам бир кило келадиган «героин» моддасига алмаштириб, йўлга чиқишганда улар иш хамирдан қил суғиргандек осон битганидан шод эдилар. Аммо омад юз ўгирганини улар кеч пайқашди. Жиноятчилар ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Ҳозирги кунда уларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Яна бир воқеа. Денов шаҳар Навоий кўчаси 36-уйда яшовчи Эрик Султонов ва қўшниси Пўлат Садриддинов ўзаро жиноий тил бириктириб, бу шаҳарга ўз уйидек бемалол келган ва ҳаракатлари маҳалла фаоллари томонидан назоратсиз қолдирилган Тожикистон фуқаролари: ўзларини «Шарифхўжа» ва «Афғон» деб таништирган кимсалардан сотиш мақсадида 27 килограмм 968 грамм миқдоридаги героин моддасини олиб товуқхонага яшириб қўйишади. Ҳар қанча ҳийла-найранг ишлатишмасин улар ҳам ИИБ ходимлари қўйган тузоққа илинишди.

Маҳалла фаоллари, қўни-қўшниларнинг лоқайдлиги сабабли яна бир жиноят содир этилди. Улар ҳеч қаерда ишламайдиган кимсалар эди. Хўш, бундай бекор юрганлар билан нега мутасадди ташкилотлар қизиқмади? Бу эса туман меҳнат биржасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмаётганлигидан далолат эмасми? Агар эътибор берсак, маълумотларда қайд этилаётган ўғирлик ва бошқа жиноятларнинг қарийб ярми бекорчилик ва гиёҳвандлик оқибатида содир этилмоқда.

Аёл муҳтарам зот. У онамиз, синглимиз, қизимиз, жуфти ҳалолимиз. Уларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш ҳаммамиз учун қарз, ҳам фарз. Афсуски, текин даромад, кошона ҳаёт баъзан уларни ҳам йўлдан оздирмоқда. Натижада аёл деган улуғ номга доғ тушмоқда. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, муқаддам судланиб, аммо ҳеч қандай хулоса чиқармаган Момогул Меретова эски касбини қумсаб қолди. У яна гиёҳвандлик моддаси сотишни бошлаб, кўплаб инсонлар ҳаётига раҳна солиб бўлсада, мўмай пул топишга киришди. Хайриятки, унинг бу галги «бизнес»и кўпга чўзилмади. М.Меретова ИИБ ходимлари томонидан далилий ашёлар билан қўлга олиниб, иши терговга оширилди.

Тавбасига таянмаган аёл энди тегишли жазосини олади. Шундай ғаразли йўлга кирган аёлдан она меҳрини, ёр садоқатини кутиш ва унга фарзанд тарбиясини ишониш мумкинми?

Ачинарлиси, бундай мисоллар ягона эмас. 1971 йилда туғилган, деновлик Мавлуда Ходжакова ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни ўзига эп билмади. У гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб ва ўзининг гумашталарига сотиб уйида вақтинчалик қарамоғида бўлган 1992 йилда туғилган Марҳабони доимий равишда ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, гоҳ сим, гоҳ қўли билан уриб, дўппослаб қийнаган. Оқибатда норасида қийноқ, азобларга дош беролмай вафот этган.

Жиноятга жазо муқаррар. Лекин бизни масаланинг бошқа томони ўйлантиради. Гиёҳвандлик орқасидан қотилликка қўл урган Мавлуда Ходжаковага нисбатан қўни-қўшнилар, маҳалла оқсоқоллари нега шунчалар бепарво бўлдилар. Уларнинг ўз уйидан нарини кўрмаслиги жуда қимматга тушди. Бир бегуноҳ қизчанинг ҳаёти сўнди. Сўнг аттанг дегандан фойда йўқ. Кейинги пушаймон ўзингга душман дейдилар. Шундан асрасин.

Хулоса қилиб, тез-тез айтиладиган бир сўзни доим такрорлайлик. Соғлом авлод,келажагимиз ташвишида яшар эканмиз, огоҳ бўлайлик. Лоқайдлик оғир оқибатларга олиб келишини унутмайлик. Табиблар ибораси билан айтганда, касални даволагандан олдини олган осон.

Эргаш МЕНГЛИЕВ,
Денов туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси.
Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар булимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 20.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6